

“MAGNIT-FINANS” аудиторлик ташкилоти

Тошкент шаҳар А.Навоний кучаси 22 уй х/р ИНН 202545328
20208000303780184001 МФО 00490, Тошкент вил.Уз.СКБ

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Аудиторлик хулосаси йулланди: «QORAQALPOQ AGROKIMYONIMOYA» ХАЖ
Жойлашган манзили: Нукус шаҳри А.Досназаров кучаси 12 уй

Мен, аудиторлик фаолиятини амалга оширишлик учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014-йил 21-феврал кунда “Барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини утказиш” учун берилган № 00732 сонли лицензиясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2013 йил 15-феврал кундаги 475 тартиб ракамли гувоҳномасига эга булган МЧЖ шаклидаги “MAGNIT-FINANS” аудиторлик ташкилоти аудитори Э.Бонсов, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016-йил 11- июн кунда берилган 05388 сонли аудиторлик малака сертификатига асосан, «QORAQALPOQ AGROKIMYONIMOYA» ХАЖнинг 2016-йил якуни буйича тузилган йиллик хисоботларини аудиторлик текширувидан утказдим.

Аудиторлик текширувига такдим қилинган 2016 йилнинг молиявий хисоботининг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хужалик юритувчи субъект раҳбарияти жавобгар шахс хисобланади. Бизнинг жавобгарлигимиз молиявий хисоботга билдирилган хулоса билан белгиланади.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий хисоботни тартибга солувчи ҳарақатдаги қонунлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий андозалари, ҳамда шу йуналишлар буйича тузилган меъёрий, ҳуқуқий хужжатлар асосида амалга оширилди. Аудиторлик текшируви тузилган йиллик хисоботнинг ҳаққонийлиги ҳамда ушбу молиявий хисоботнинг қорхона молиявий хужалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Утказилган аудиторлик текшируви фикр билдириш учун етарлича асосга эга деб уйлайман.

Менинг фикримча, «QORAQALPOQ AGROKIMYONIMOYA» ХАЖнинг 2016 йил учун тузилган молиявий хисоботи, унинг молиявий ҳолатини ҳаққоний ақс эттиради. Жамият томонидан амалга оширилган хужалик молиявий муомалалари Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги қонунчилик талабларига мос келади.

МЧЖ шаклидаги “MAGNIT-FINANS”
аудиторлик ташкилоти директори:

Л.Мамажонов

Аудитор:

Э.Бонсов



24.03.18;

«MAGNIT-FINANS» аудиторлик ТАШКИЛОТИ

«QORAQALPOQ AGROKIMYOHIOMOYA» ХАЖнинг 2016
йилда тузилган молиявий хисоботларини утказилган
аудиторлик текшируви натижаси кура тузилган

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

Аудиторлик хисоботини

Олдим: _____
 ^{ызы} ^{Финш}
« ____ » _____ 2017 йил

«MAGNIT-FINANS» аудиторлик ташкилоти
Манзили: Тошкент шаҳар Навои кучаси, 22- уй
Х/р -20208000303780184001. МФО -00490
Тошкент вилояти УзПСБ. ИНН -202545328

«QORAQALPOQ AGROKIMYONIMOYA» XAJning 2016 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботларини утказилган аудиторлик текшируви натижасига кура тузилган

А У Д И Т О Р Л И К Х И С О Б О Т И КИРИШ КИСМИ:

Аудиторлик ташкилотининг номи: «MAGNIT FINANS» МЧЖ, аудиторлик ташкилоти бош директори Л.Т.Мамажонов.

Манзили: Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси 22 уй, тел.: 998933988684, факс: 2446710.

Хисоб раками: 20208000303780184001 ЎзСҚБ Тошкент вилоят минтақавий филиали, МФО 00490, ИНН 202545328, ОКОНХ 84400.

Лицензияси: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи 2014 йилда 21 феврал куни берилган № 00732 ракамли лицензия.

Давлат рўйхатидан ўтганлиги: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2013 йил 15 феврал куни берилган № 475 ракамли гувоҳнома.

Аудиторлик текшируви «MAGNIT FINANS» МЧЖ аудиторлик ташкилоти ва Қорақалпағистон «QORAQALPOQ AGROKIMYONIMOYA» XAJ (кейинги матнда жамият деб юритилади) ўртасида тузилган шартномага асосан «QORAQALPOQ AGROKIMYONIMOYA» XAJning 2016 йилнинг 1 январдан – 31 декабригача бўлган даврлар учун тузилган молиявий ҳисоботлари ва бухгалтерия ҳисобининг юритилиши ҳолати бўйича аудиторлик текшируви ўтказилди.

Аудиторлик текшируви ҳисобхона ҳисоботларининг ҳамда молиявий ҳужалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни тартибга солувчи қонунларга ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа норматив ҳужжатларига мос келишини тасдиқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 май кунидаги «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги қонуни, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябр кунидаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларини аҳамиятини ошириш тугрисида»ги № 365 сонли қарори ҳамда шаклланаётган аудит стандартларини, бухгалтерия ҳисоби, солиқ кодекси ҳамда шу йуналишларни тартибга солувчи бошқа меъерий, ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги қонуннинг 18-моддасига асосан, аудиторлик ҳисоботидаги ахборот махфий ҳисобланади ва ошқор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошқор қилганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Мазкур ҳисобот махфий характерга эга бўлиб, чоп этиладиган ва назорат органларига тақдим қилинадиган ҳужжатлар сирасига кирмайди, балки аудиторлик текшируви натижаси бўйича аниқланган хато ва камчиликлар шу ҳужалик юритувчи субъект раҳбариятига тақдим қилинадиган ҳисобот бўлиб, фақат ички фойдаланиш учун мўлжалланган.

Аудит текшируви жамиятга нисбатан мустақил ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016-йил 11-июн кундаги берилган № 05388 сонли малака сертификатига эга бўлган аудитор Бонсов Элдор ва ёрдамчи аудиторлар Комилов Кучкор, Отамуродов Муродалилар томонидан утказилди.

Аудиторлик текширувига тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққоний тайёрланганлиги, текшириш утказилган даврда амалга оширилган ҳужалик муомулаларининг қонунийлиги учун жавобгарлик ҳужалик юритувчи субъект раҳбариятига юклатилади, аудиторлик ташкилоти тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича берилган хулоса учун жавобгарликни уз зиммасига олади. Аудиторлик текшируви «Мавҳумлик ва аудитор таваккалчилиги» 9-сонли АМС ва бошқа АФМСларидан фойдаланиб танланма усулда утказилганлиги сабабли, аудиторлик таваккалчилиги чегарасида маъсулятни уз зиммасига олади.

Текширишга тақдим қилинган ҳужжатлар қўламининг кенглиги, аудиторлик таҳлилларнинг ихтиёрий танланма туста эга эканлиги ва аудиторлик текширувига хос бўлган бошқа чегараланишлар оқибатида, молиявий ҳисоботдаги хатолар ва бузилишларни топмаслик таваккалчилиги мавжуд бўлади. Аудиторлик текшируви мазкур таваккалчиликни мумкин қадар камайтиришга қаратилади, лекин хулосанинг абсолют аниқлигини қафолатлаш мажбуриятини олмайди.

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг умумий тавсифи.

Жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 мартдаги 33 сонли «Киме саноати жамиятларини бошқариш тузулмасини такомиллаштириш ва қишлоқ ҳужалигига агрокиме хизмати курсатишни яхшилаш чора тадбирлари тугрисида»ги қарорига асосан ташкил топган. Жамият низоми (охирги марта) 2016 йил 06 декабр Нукус шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизмати курсатиш «Ягона дарча» маркази томонидан 2748 сонли рестрдаги тартиб рақами билан руйхатдан утган.

Жамиятнинг асосий фаолият тури :

- туманда жойлашган филиаллари орқали минерал угит ва кимевий воситаларга бўлган талабни урганиш, буюртмаларни умумлаштириш ҳамда шартнома асосида истеъмолчилар қишлоқ ҳужалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар билан минерал угитлар қишлоқ ҳужалик экинларига агрокимевий ишлов бериш юзасидан шартномалар тузиш;
- вилоятда қишлоқ ҳужалик корхоналарини минерал угитларга, кимевий ва биологик химоя қилиш воситаларига бўлган талабини аниқлаш;
- шартнома асосида қишлоқ ҳужалик корхоналарини, туманлардаги фермер ва деҳқон ҳужаликларини минерал угитлар, дефолантлар ва бошқа кимевий маҳсулот турлари билан таъминлаш
- киме воситалари ва минерал угитлар билан ҳамда киме корхоналарида чиқарилган халқ истеъмоли моллари билан савдо қилувчи дуконлар ва шаҳобчалар ташкил қилиш

- кишлок хужалигида махсулот ишлаб чиқарувчиларни талабларини умумлаштириш асосида туманлар буйича минерал угитларга булган эҳтиёж прогнозини шакллантириш ҳамда минерал угитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарида ишлаб чиқариш буйича келгуси йил дастурини уз вақитда тайёрлаш учун «УЗКИМЕСАНОАТ» Давлат акциядорлик компаниясига тақдим қилиш

Ўзбекистон Республикаси қонунларида ман этилмаган бошқа турдаги хизмат ва фаолиятлар билан шугулланиш ҳуқуқига эга.

Берилган гувоҳномага асосан жамият қуйидаги хос рақамларга эга:

- ТХШТ буйича ташкилий ҳуқуқий шакли (КОПФ) - 1153
- МШТ буйича мулкчилик шакли (КФС) - 144
- МХОБТ буйича почта манзили (СОАТО) - 1735401
- КТУТ буйича юридик шахс коди (ОКПО) - 04985398
- ХХТУТ буйича тармоқ коди (ОКОНХ) - 22300

Жамиятни тасдиқланган низомига қура устав жамгармаси 1045531,0 минг сум белгиланган бўлиб номинал қиймати 1000 сумдан 1045531 дона акциялардан иборат. Шундан оддий акциялар сони 1045113 дона, имтиёзли акциялар сони 418 дона.

Акциялар қуйидаги улушларга тақсимланган:

- Давлат улуши- 533221 дона акция 533221,0 минг сум
- Жамоа улуши- 75587 дона акция 75587,0 минг сум
- Эркин савдодаги акциялар улуши- 436723 дона акция 436723,0 минг сум

Акциялар Қорақалпағистон «Кишлоқхужалиққиме» ХАЖ ва унинг филиаллари қуйидагича жойлаштирилган.

№	Мазмуни	Устав фонди микдори	Акциялар сони	Акцияни номинал қиймати	Давлат улуши (51%)	Меҳнат жамоаси улуши (7,23%)	Эркин савдодаги акциялар (41,77%)
1	Турткул	74068,0	74068	1000	37,8	5,4	30,9
2	Элликкала	92468,0	92468	1000	47,2	6,7	38,6
3	Беруний	57733,0	57733	1000	29,4	4,2	24,1
4	Амударе	43185,0	43185	1000	22,0	3,1	18,0
5	Хужайли	28750,0	28750	1000	14,7	2,1	12,0
6	Шуманай	1247,0	1247	1000	0,6	0,1	0,5
7	Қанликул	47157,0	47157	1000	24,1	3,4	19,7
8	Қунгирот	73118,0	73118	1000	37,3	5,3	30,5
9	Нуқус	36875,0	36875	1000	18,8	2,7	15,4
10	Кегейли	4776,0	4776	1000	2,4	0,3	2,0
11	Чимбай	168938,0	168938	1000	86,2	12,2	70,6
12	Қараузьяк	2199,0	2199	1000	1,1	0,2	0,9
13	Тахтақушир	3667,0	3667	1000	1,9	0,3	1,5
14	Тахиташ	252850,0	252850	1000	129,0	18,3	105,6
15	Бошқарув	158500,0	158500	1000	80,8	11,5	66,2
	ЖАМИ	1045531,0	1045531	1000	533,2	75,6	436,7

А. Мамедов

Текширилаётган молиявий йилда хужжатларга биринчи имзо қўйиш ҳукуки билан жамият раиси лавозимида 2010 йил 30 декабрдан текшириш кунига қадар Низаматдинов Рустам Калкназарович, хужжатларга иккинчи имзо қўйиш ҳукуки билан жамият бош ҳисобчиси лавозимида 2011 йил 19 февралдан текшириш кунига қадар Джуманазарова Улзадалар ишлб келмоқда.

(буйруқдан кучирма илова қилинади)

Жамият алоҳида юридик шахс бўлиб узининг номи ёзилган думалок муҳри, турт бурчак тамгаси ва банкдаги ҳисоб рақамига эга.

Жамият манзили: Нукус шаҳри А.Досназаров кучаси 12 уй

Банк реквизитлари: ТИФ Миллий банкни Термиз шаҳар бўлими
Х/р 20210000100311848001 МФО 00324

ТАХЛИЛИЙ КИСМ:

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилинишини ҳисоби аудити.

«Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, амалдаги қонунчилик асосида ишлаб чиқилган меъёрий хужжатлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботиға таллуқли Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажарилишини текшириганимизда жамиятда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан руйхатдан утқазилган «Молиявий ҳисобот шаклларини тулдириш бўйича қоидаларини»ға мувофиқ тузилган бўлиб, барча ҳисоб китоблар журнал-ордер тизимида олиб борилган.

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси билан белгиланган бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиларига риоя этилган, ҳужалик муомулалари назорати ва ҳисоб-китоб хужжатларини сақлаш тегишли тартибда амалға оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги» Қонуннинг 6-моддасига қура бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни қорхона маъсул шахслари зиммасига юқлатилган.

Шунға қура дастлабки хужжатларини уз вақтида ёзиб борилишини ва уларни ҳисоботларда туғри акс этирилишини таъминлаш мақсадида жамиятға ҳисобчилар тайинланган.

Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ пул, товар моддий бойликларини қабул қилиш ва етқазиб бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган бирламчи хужжатлар ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари раҳбар томонидан ёқи белгиланган мутасадди шахслар томонидан имзоланган.

Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ ҳужалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операцияларни амалға оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб хужжатлари ва уларнинг утқазнишға доир фармойишлар асос булган. Бошланғич ҳисоб хужжатлари ҳужалик операциялари амалға оширилаётган вақтда ёқи операциялар амалға ошириб бўлинганидан кейин тузилган.

Конуннинг 10-моддасига кура бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тугрилиги ҳамда аниқланган активлар ва мажбуриятларини мажбурий суратда инвентаризация қилиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни утказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартига мувофиқ белгиланади. «Инвентаризация ташкил этиш ва утказиш» номи бухгалтерия ҳисобининг 19-миллий андозасига мувофиқ текширувга тортилган даврда моддий қийматликлар инвентаризацияси утказилган.

Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1996 йилги «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида» ги конун 7 -моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 26.07.1998 йил №17-71-86 сон билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 14.08.1998 йил № 474 сон билан рўйхатга олинган БХМС нинг № 1 сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» талабларига мувофиқ қайси мулк шаклидан қатъий назар ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқариш кераклиги курсатилган. Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига ҳужалик фаолиятидаги далилларни баҳолаш, уларни гуруҳлаш, активлар қийматини ақс эттириш, ҳужжатлар айланмаси қабули, инвентаризация, бухгалтерия ҳисобларини юритиш, ҳисоб регистрлари тизими, аҳборотларни ишлаш ва бошқа услублар қиради. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқаришдан асосий мақсад ҳужалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тугри тузиб юритилиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Ҳужалик юритувчи субъект раҳбари томонидан БХМСлари асосида шаклланган ҳисоб сиёсати тақдим этилган молиявий ҳисоботларда турли йиллар учун молиявий курсаткичларни таққослаш имконини беради. Жамиятда ушбу талабларнинг бажарилиши урганилганда 2016 йил учун ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган.

Жамиятда ишонч варакалари ёзиб берилиши аудити

Жамиятда моддий жавобгар шахсларга ишонч варакалари бериш ва ишонч варакалари бўйича материал қийматликлар олиш, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 07.05.2003 йилдаги буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 27.05.2003 йилда 1245-ракам билан рўйхатга олинган 62-сон «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш тартиби тугрисида»ги Низомнинг иловаларида курсатилган шаклларда юритилишини текширганимизда, жамиятда ишонч коғозларини рўйхатга олиш китобининг барча устулари талаб даражасида тулдирилган, ишлатилганлиги тугрисида белгилар қуйилган, тегишли имзолар мавжуд. Ишончинома дафтари ракамланмаган ва ип билан тикилмаган. Дафтарнинг сунги варагида маъсул-шахснинг имзоси ва жамият муҳри билан варақлар сони ёзув билан курсатилиб тасдиқланмаган. Ишонч коғозларини рўйхатга олиш китоби юритилиши бўйича масул ходим З.Айтжанова ҳисобланади. Жамиятда 2016 йил давомида жамият ходимларига 1-111 гача ракамланган 112 (27 а билан) та ишонч коғозлари ёзиб берилган, шундан 8 та ишонч коғози ишлатилмасдан ҳисобхонага қайтарилган ва қайтарилган ишонч коғозлари «Ишонч коғозларини қайд қилиш китоби»га қайтарилганлиги тугрисида «анализовано» езуви езилиб алоҳида папкага тикиб қуйилган. Ўзбекистон Республикаси Молия

С. Мисир

Вазирининг 07.05.2003 йилдаги буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 27.05.2003 йилда 1245-рақам билан рўйхатга олинган 62-сон «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш тартиби тугрисида»ги Низомнинг 2 п. 8 бандига асосан йил охирида жамият томонидан тузилган гуруҳ иштирокида далолатнома тузилиб ҳисобхонага қайтарилган ишонч қозғалари тегишли тартибда йук қилиниши лозим бўлади.

Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узок муддатли активлар ҳисоби аудити

Жамиятда 2016 йил 1 январ ҳолатига асосий воситалар баланси қиймати 461 728,0 минг сумни ташкил этиб, йил давомида 632,7 минг сумлик асосий воситалар қиримга олинган 862,2 минг сумлик асосий воситалар қиким қилинган. 2017 йил 1 январ ҳолатига асосий воситаларни баланси қиймати 232 281,0 минг сумни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Асосий микро иқтисодий қурсатқичлари прогнози ва 2002 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тугрисида»ги 490 сонли қарорининг 12 бандини бажариш учун ишлаб қикилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 02 декабр қунида 1192 сон билан рўйхатга олинган «1 январ ҳолати буйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳоланиши утқазининг яғона тартиби тугрисидаги низом»нинг 1 & 1 бандига асосан асосий фондлар, яъни:

- асосий воситалар
- урнатиладиган усқуналар
- туғалланмаган қурилиш объектлари
- қолиявий ижара шартномаси, шу жумладан лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситалар қайта баҳоланиши қерак. Ўзбекистон Республикаси Қолия Вазирлиги томонидан 2003 йил 09 октябрдаги № 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январдаги № 1299 рўйхатга олинган 5-сонли «Асосий воситалар» бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини 5 & 27 бандига асосий воситалар ҳужжатлар буйича тасдиқланган бозор нарҳларида индексациялаш еки бевосита қайта ҳисоб қитоб қилиш йули билан қайта баҳоланади. Юқоридаги қайта баҳоланган асосий воситалар ушбу стандартнинг 28 бандига қурсатилганидек қайта баҳоланиш утқазилган ва 27 179,0 минг сумга қайта баҳоланган. Ушбу қайта баҳоланиш суммаси жорий даврда акс этирилган.

Ўзбекистон Республикаси Қолия Вазирлиги томонидан 2003 йил 09 октябрдаги № 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январдаги № 1299 рўйхатга олинган 5-сонли «Асосий воситалар» Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини 1п 4 бандига асосий воситалар таркибига қиймати (ҳарид пайтида) белгиланган энг қам иш ҳақи миқдорининг 50 бараваридан ортиқ буюмлар қиритилади. Қорҳона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибига ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг қам қегарасини белгилашга ҳақли дейилган.

Хизмат муддати ва кийматида катъий назар қуйидагилар асосий воситалар таркибига киритилмайди:

- Камида 1 йиллик фойдаланиш муддатига эга булган алмаштириладиган ускуналар

- Махсус асбоблар ва мосламалар (буюртмаларни тайёрлаш учун мулжалланган, мақсадли йуналтирилган асбоблар ва мосламалар)

Мазкур стандартни 8 п 54, 55 бандларида асосий воситаларни инвентарлаш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрдаги 17-19-2075 сон билан тасдиқланган 19 сонли "Инвентарлашни ташкил қилиш ва утказиш" БХМС да белгиланган тартибда камида 2 йилда бир марта амалга оширилади.

Асосий воситаларни йил бошидаги ва йил охиридаги қолдиқ киймати жамият балансида тугри акс эттирилган.

Асосий воситаларни эскириши ва унга ҳисобланган амортизациялар меъёрлари ҳисоби аудити.

Жамиятда 2016-йилда асосий воситаларга Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 144-моддасида белгиланган амортизация меъёрлари асосида жами 27 179,0 минг сум амортизация ҳисобланган. Ҳисобланган амортизация бухгалтерия ҳисоботларида, йиллик баланс ҳисоботида тугри акс эттирилган.

Товар моддий захиралар ҳисоби аудити

Жамиятда товар моддий кийматликлар БХМС 21 га мувофиқ 1000 «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» бухгалтерия ҳисоби варагининг тегишли суб ҳисоб варкаларида акс этирилган.

Жамиятда моддий жавобгар шахслар билан раҳбарият ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган. Жамиятда моддий бойликлар ҳисоботи моддий жавобгар шахслар бўйича компютерда юритилган, оқ қозғанда чиқарилиб тикилган. Ойлик ҳисоботларга қирим қилинган ва қиким қилинган товар моддий бойликларнинг бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари тикиб борилган. Материал ҳаракати бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ва материал ҳисоботлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган. Моддий жавобгар шахслардан товар моддий бойликлар юқ хатлари асосида ҳамда далолатномалар асосида қиким қилинган ва тегишли тартибда ҳаражатлар счётларига олиб борилган.

Жамиятда товар моддий кийматликларни йил бошидаги қолдиғи 22 379,0 минг сумни, йил охиридаги қолдиғи 34 460,0 минг сумни ташкил этади.

Ушбу товар моддий кийматликларни йил бошидаги ва йил охиридаги курсатқичлари жамият баланиси курсатқичларига мос келади.

Ҳазина ҳужжатларини юритилиши, ҳазина интизомига оид йуриқнома талабларини бажарилиши.

Жамиятда ҳазина ва ҳазина муомулалари Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 1998-йил 18-декабр кундаги 565-рақам билан

руйхатдан утган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 1998-йил 24-январдаги 1/16 сонли баённомаси билан тасдиқланган 376-ракамли «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш коидалари тугрисида»ги кулланмасига амал қилишни текширганимизда хазина учун алоҳида хона мавжуд, махсус утда ёнмайдиган сеф билан таъминланган, овоз чиқарувчи мослама урнатилган. Жамиятда 2016 йилда нақд пул момуласи амалга оширилмаган.

Хисоб рақамидаги пул маблағлари ҳисоби аудити.

Банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати юзасидан бухгалтерия ҳисоби 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5530 «Бошқа махсус счётлар» счётларида юритилган. Банк орқали ҳисоб китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 27 июн куни тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 8 октябр куни № 496-рақам билан рўйхат олинган. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тўғрисида” ги Низом асосида олиб борилган.

2016 йил 1 январь ҳолатига ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари қолдиги 107 762,0 минг сумни ташкил этган. Йил давомида ҳисоб рақамларига 59780819,1 минг сум пул маблағлари келиб тушган, ва йил давомида 59877975,2 минг сум хар хил туловлар учун чиқим қилинган. 2017 йил 1 январь ҳолатига пул маблағларининг қолдиги 247 927,0 минг сумни ташкил этади. Жамият балансида ва айланма қолдик ведомостида пул маблағларининг қолдиги тугри акс эттирилган.

Банк кучирмалари остига тегишли тулов топшириқномалари, бирламчи ҳужжатлар тиркалган. Ҳисобот даври учун ҳисоб рақамларидан туланган банк хизматлари туловларини банк муассасаси билан тузилган шартнома фойдаларига нисбатан мутаносиб равишда мос келишлиги таҳлили утказиб борилмаган.

Дебитор ва кредитор қарзлар ҳисоби аудити.

Жамиятда 21 сонли БХМСга мувофиқ дебиторлар ва кредиторлар 4000 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар», 4120 «Шуъба ва қарам жамиятларидан олинadиган счётлар», 4300 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар», 4800 «Турли дебитор қарзларни ҳисобга олувчи счётлар», 6000 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланadиган счётлар», 6120 «Шуъба ва қарам жамиятларга қарз», 6310 «Олинган бунақларни ҳисобга олувчи счётлар», 6900 «Турли кредиторларга булган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар» бухгалтерия ҳисобларининг тегишли суб ҳисоб варақаларида юритилган.

Мазмуни	Қолдик 01.01.2016 й		Қолдик 01.01.2017 й	
	Дебит	Кредит	Дебит	Кредит

А. Мамунов

[Қўл ёзилиши]

4000 ҳисоб; Харидорлардан ва буюртмачилардан олинадиган ҳисоблар	0,00		0,00	
4120 ҳисоб; «Шуъба ва қарам жамиятларидан олинадиган ҳисоблар»	128 118 902,0		227 656 215,0	
4300 ҳисоб; Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар	3 121 800,0		17 521 112,0	
4800 ҳисоб; Бошқа дебиторлар	0,00		0,00	
6000 ҳисоб; Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган ҳисоблар		110 175 260,0		213 952 998,0
6120 ҳисоб; Шуъба ва қарам жамиятларга қарз		0,00		0,00
6300 Олинган бунақлар		0,00		0,00
6900 ҳисоб Бошқа кредиторлик қарзлари		3 716,0		2 846,0
ЖАМИ:	131 240 702,0	110 178 976,0	245 177 327,0	213 955 844,0

Филиалда 2016 йил 1 январ ҳолатига дебиторлик қарзи 131 240 702,0 минг сумми, кредиторлик қарзи 110 178 976,0 минг сумми ташкил этган. 2017 йил 1 январ ҳолатига дебиторлик қарзи 245 177 327,0 минг сумми, кредиторлик қарзи 213 955 844,0 минг сумми ташкил этади. Йил бошига нисбатан дебиторлик қарзи 113 936 625,0 минг сумма, кредиторлик қарзи 103 776 868,0 минг сумма ошган.

Филиалда кредиторлик қарзларини салмоғи баланд, бундай ҳолатларда филиални молиявий кийинчиликка ва келгусида тулов қобилиятини йукотишга олиб келади. Филиалда белгиланган тартибда дебитор ва кредитор қарздорликларни қисқартириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишни ва доимий равишда дебитор қарзларни муддатини утказмасдан ундиришни, шуъбахали қарздорликлар бўйича резерв яратишни йулга қуйишни тавсия этамиз.

Ўз.Р. Президентининг 12.05.1995 йилдаги ПФ-1154“Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, халқ хўжалигида тулов интизомининг аҳволи учун раҳбарларнинг маъсулиятини ошириш мақсадида:

1. Барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқлансин, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

2. Товарлар амалда жўнатишган ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган қундан бошлаб тўксон кун ўтгандан кейин, етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб

С. Мамедов

[Signature]

тушмаганлиги муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб ҳисоблансин, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

3. Муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжудлигига йўл қўяётган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерларига нисбатан жуда каттик маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш чораси қўлланилиши белгиланган.

Филиалда 2016 йилда муддати утган дебиторлик қарзларини ундириш бўйича хужалик судига Даъво аризалари киритилган ва суд қарорига асосан ижрога қаратилган.

Доимий ва шартнома асосида ишлайдиган ишчиларга иш ҳақ ҳисобланиши ва тулаш ҳисоби аудити.

Жамиятда ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа туловлар Ўз.Р Меҳнат кодекси, жамоа шартномаси, штат жадвали, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ички норматив ҳужжатлар, директор буйруқлари асосида амалга оширилган. Ҳисобланган иш ҳақлари 6700 «Иш ҳақи ҳисоби» счётида ҳисобида олиб борилган.

Жамиятда йил давомида 3 нафар ходим ишга қабул қилинган. 2 нафар ходим ўз аризасига қура меҳнат шартномаси бекор қилиниб ишдан бўшатилган. Йил давомида 195 240,0 минг сум иш ҳақи ҳисобланган. Ҳисобланган иш ҳақи ходимларнинг пластик картасига пул кучириш орқали ҳисоб китоб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 март кундаги «Иш ҳақини ўз вақтида тулаш чора тadbирлари тугрисида» ги № 88 сонли қарорини бажарилишини текширганимизда 2016 йилда иш ҳақи натура шаклда берилмаганлиги аниқланди.

2017 йил 1 январь ҳолатига жамиятнинг ишчи ва хизмачиларни иш ҳақидан қарздорлиги 38 900,0 минг сумни ташкил этади, бундан муддати утган иш ҳақи қарздорлиги мавжуд эмас.

Текширишда Ўзбекистон Республикасининг 2001-йил 29-август кундаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тугрисида» ги қонунининг 47 моддасида қурсатилган суд ижро варақаси бўйича ойлик иш ҳақидан ижро варақалари учун фонд туловчи, алимент туловчи ходимлар сони 1 нафар кишини ташкил этади, «Оила кодекси» нинг 88-моддасига асосан алимент олувчи ходимлар, солиқ кодексининг 179, 180 моддасига асосан имтиёзга эга ходимлар сони мавжуд эмас.

Бюджетга ҳисобланган ва туланган солиқ турлари, иш ҳақи ҳисобидан пенсия жамгармасига ажратилган маблағлар ҳисоби аудити.

Жамият ДСИ га 2016-йилда қуйидаги солиқлар ва бюджетдан ташқари пенсия жамгармаларига қуйидаги ажратмаларни туловчи бўлиб ҳисобланади.

- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Ягона ижтимоий тулов
- Фуқораларни бюджетдан ташқари пенсия жамгармасига сугурта бадаллари
- ШЖБПТга 1% ли ажратма

- Фойда солиги
- Инфратузилмани ривожлантириш солиги
- Мулк солиги
- Ер солиги
- Сув солиги

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солик.

Жамият томонидан 2016 йил давомида ишчи хизматчилар иш хакидан ушланадиган даромад солиги буйича бюджет билан ҳисоб китоблар Нукус шаҳар ДСИ га тақдим қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 июн 2008 йилдаги “Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник таъминлаш буйича қушимча чора тadbирлар тугрисида” ги ПК 110 сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабр кундаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тугрисида” ги 595 сонли қарори ижроси юзасидан текширганимизда барча ходимларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағи очилган бўлиб, ушбу ҳисоб варағига текшириладиган даврлар учун тегишли суммалар ҳисобланган ва утқазилган.

Жамиятда 2016 йилда Нукус шаҳар Давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган ҳисоботида ишловчи ишчи хизматчиларнинг жами иш хаки фонди 739 281,9 минг сум эканлиги қурбатилган, бундан солиққа тортиладиган иш хаки фонди 720 997,6 минг сумдан 99 209,8 минг сум даромад солиги ва жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига 6 344,2 минг сум бадал ҳисобланган ва ҳисобот тақдим этилган.

Текширишда жамиятни 2016 йилда ҳисобланган жами иш хаки минг сум эканлиги, бундан солиққа тортиладиган иш хаки фонди 739 281,9 минг сум эканлиги аниқланди. Текширишда фарқ аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 186- моддасида «Солиқ ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби» тегишли моддасининг 6- хатбошига мувофиқ, йил мабойида асосий иш (хизмат, уқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс «жорий йилда ўзига туланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммалари тугрисида» ги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, уқиш) жойидаги бухгалтерияга даслабки иш хаки ҳисобланганига қадар тақдим этиши шарт.

Илгариги иш (хизмат, уқиш) жойидан маълумотномаси ва солиқ туловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги белгиланган энг юқори ставка буйича ушлаб қолинади.

Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммаси илгарги асосий иш (хизмат, уқиш) жойидан олинган даромадлар инобатта олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Аудиторлик текшируви давомида жамиятга 3 нафар ходим ҳудудидаги бандликка қумаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказининг йуланмасига асосан ишга қабул қилинган





Ягона ижтимоий тулови ҳисоблаш ва тулаш тартиби тугрисида.

Жамият томонидан 2016 йилда Нукус шаҳар Давлат солиқ инспекциясига тақдим қилинган ҳисобот бўйича иш ҳақи фонди 739 281,9 минг сумдан, ажратмага тортиладиган иш ҳақи фонди 739 281,9 минг сумни ташкил этиб, белгиланган 25 фоизлик ставкада 184 820,5 минг сум ягона ижтимоий тулов ҳисобланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2010 йил 13-апрелдаги № 2095-сон билан руйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 22-март кунги № 2010-13 ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2010 йил 22-март кунги № 22-сонли қарори билан тасдиқланган «Ягона ижтимоий туловнинг энг кам миқдори қиритилиши муносабати билан ягона ижтимоий туловни ҳисоблаб чиқариш ва тулаш тартиби тўғрисида»ги низомига асосан иш ҳақи фонидан ҳисобланган ягона ижтимоий суммасидан ҳисобланган базавий миқдор суммаси қамлиги сабабли базавий миқдор тулови инобатга олинмаган.

Тақдим этилган бирламчи ҳужжатлар асосида текширилганда жамиятнинг жами иш ҳақи фонди 739 281,9 минг сум, шундан ажратмага тортиладиган иш ҳақи фонди 734 261,4 (5 020,5 минг сум қасаллик варақалари нотугри қиритилган) минг сум эканлиги аниқланди. Ушбу иш ҳақи фонидан белгиланган 25 фоизлик ставкада 183 565,4 минг сум ягона ижтимоий тулов ҳисобланди. Текширишда ЯИТга 1 255,2 минг сум ортиқча ҳисобланганлиги аниқланди.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига 6,5 % мажбурий сугурта бадалларни ҳисоблаш ва тулаш тартиби тугрисида.

Жамият томонидан 2016 йилда Нукус шаҳар Давлат солиқ инспекциясига тақдим қилинган ҳисобот бўйича жами 739 281,9 минг сум иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий сугурта бадалига тортиладиган иш ҳақи 739 281,9 минг сумдан белгиланган 7,5 фоизли мажбурий сугурта бадали ставкасида 55 446,1 минг сум ҳисобланган.

Тақдим этилган бирламчи ҳужжатлар асосида текширилганда жамиятнинг жами иш ҳақи фонди 739 281,9 минг сумни, шундан ажратмага тортиладиган иш ҳақи фонди 734 261,4 минг сумни ташкил этиб, белгиланган 7,5 % ставкада 55 069,6 минг сум сугурта бадали ҳисобланди. Текширишда ижтимоий сугурта бадалига 376,5 минг сум ортиқча ҳисобланганлиги аниқланди.

Ер солиғи ҳисоби аудити

Жамият томонидан 2016 йилда Нукус шаҳар Давлат солиқ инспекциясига тақдим қилинган ҳисобот бўйича жами ер майдони 0,46 га ни ташкил этиб 5 658,1 минг сум ер солиғи ҳисобланган.

Тақдим этилган бирламчи ҳужжатлар асосида текширилганда жамиятнинг жами ер майдони 0,46 га ни ташкил этганлиги, бундан 5 658,1 минг сум ер солиғи тугри ҳисобланганлиги аниқланди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик

Жамият томонидан 2016 йилда Нукус шаҳар Давлат солик инспекциясига такдим килинган ҳисобот буйича 293 куб метр ер устки суви учун 20,9 минг сув ер солиги ҳисобланган.

Такдим этилган бирламчи ҳужжатлар асосида текширилганда сув солиги буйича фарқ сумма аниқланмади.

Мол мулк солиги буйича

Жамият томонидан 2016 йилда Нукус шаҳар Давлат солик инспекциясига такдим килинган ҳисобот буйича асосий воситаларни йиллик уртача қолдиқ қиймати 111 619,2 минг сумни ташкил этиб, ундан 5 % солик ставкасида 5 581,0 минг сум мол мулк солиги ҳисобланган.

Такдим этилган бирламчи ҳужжатлар асосида текширилганда жамиятнинг асосий воситаларни йиллик уртача қолдиқ қиймати 111 619,2 минг сумни ташкил этиб, ундан 5 % солик ставкасида 5 581,0 минг сум мол мулк солиги тугри ҳисобланганлиги аниқланди.

Фойда солиги ҳисоби

Жамият томонидан 2016 йилда Нукус шаҳар Давлат солик инспекциясига такдим килинган ҳисобот буйича фойда солиги тулангунга қадар фойдаси 13 408,0 минг сумга, солик кодексининг 147 моддасига асосан чегирилмайдиган харажатлар 9 961,7 минг сум қушилиб жами фойда солиги солинадиган базаси 23 369,6 минг сумдан, белгиланган 7,5 фоиз солик ставкасида 1 752,7 минг сум фойда солиги ҳисобланган.

Такдим этилган бирламчи ҳужжатлар асосида текширилганда жамиятнинг фойда солиги тулангунга қадар фойдаси 13 408,0 минг сум, солик кодексининг 147 моддасига асосан солик солинадиган базага қайта қушиладиган харажатлар 21 337,4 минг сум жами соликка тортиладиган база 34 745,4 минг сум эканлиги аниқланди, белгиланган 7,5 % солик ставкасида 2 605,9 минг сум фойда солиги ҳисобланди. Текширишда фойда солиги тулови буйича 853,2 минг сум қушимча ҳисобланди..

Ободонлаштириш ва социал инфратузилмани ривожлантириш солиги

Жамият томонидан 2016 йилда Нукус шаҳар Давлат солик инспекциясига такдим килинган ҳисобот буйича соликка тортиладиган база 11 655,2 минг сум эканлиги қуратилиб, белгиланган 8 % солик ставкасида 932,4 минг сум ободонлаштириш ва социал инфратузилмани ривожлантириш солиги ҳисобланган.

Такдим этилган бирламчи ҳужжатлар асосида текширилганда жамиятнинг соликка тортиладиган база 10 802,1 минг сум эканлиги аниқланди, белгиланган 8 % солик ставкасида 864,2 минг сум фойда солиги

хисобланди. Текширишда инфратузилмани ривожлантириш солиги буйича 68,2 минг сум камайтиришга хисобланди.

Махсулот (товар ,иш хизмат) ларни сотиш ҳамда молиявий натижалар хисоби аудити.

Жамиятда харажатларни туркумлаш ҳамда даромадларни аниклаш хисоби Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5-февралдаги 54-сонли қарори билан қабул қилинган «Махсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларининг шаклланиши тартиби тўғрисида»ги Низоми талабларига риоя қилинган ҳолда юритилган.

Жамиятнинг иқтисодий курсаткичларни таҳлили

Узбекистон Республикаси «Таҳлилий тадбирлар» номли 13-сон миллий аудиторлик стандартига ва Уз.Р. Адлия вазирлигида 2005 йил 14 апрел куни 1469-рақам билан руйхатга олинган «Қорхоналарнинг молиявий-иқтисодий ахволи мониторинги ва таҳлилни ўтказиш мезонларини аниклаш тартиби тўғрисида»ги Низомига мовофик, аудитнинг асосий йуналишларидан бири бўлиб филиалнинг молиявий ҳолатини таҳлилий тадбирларни куллаб, таҳлил қилиш хисобланади.

Филиал фаолияти билан боғлиқ маълумотлар коэффицентлар орқали таҳлил қилиб чиқилганда қуйдаги натижалар олинди:

1. Жамиятнинг жорий ликвидлик коэффиенти қуйдаги қуринишга эга:

Жорий активлар 247 834 296,0
Кжл = ----- = 1,1

Жорий мажбуриятлар 219 519 544,0

Ушбу курсаткич 2,0 коэффицентидан юқори булган ҳолларда жамиятнинг уз жорий мажбуриятларини тулаш қобилияти етарли деб хисобланади.

2. Уз айланма маблаглари билан таъминланганлик коэффиенти:

(Уз маблаглари манбалари + узок муддатли кредитлар) - узок муддатли активлар

Кат = ----- =

Жорий активлар
(10 790 703,0+0,00)-977 551,0
= ----- = 0,4

247 834 296,0

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юқоридаги курсаткичнинг энг куйи нуктаси 0,2 деб белгиланган. Агар ҳисобот даври охирига ушбу курсаткич 0,2 дан тушиб кетса, жамият уз айланма маблаглари билан таъминланмаган деб ҳисобланади. Таҳлилга мувофиқ жамият уз айланма маблаглари билан таъминланган.

3. Самарадорлик коэффиценти:

Солик тулагунга кадар фойда	13 408,0
-----------------------------	----------

$$K_{сам} = \frac{13\,408,0}{1\,110\,651,0} = 0,01$$

Жами харажатлар	1 110 651,0
-----------------	-------------

Юқоридаги курсаткичимиз жамият томонидан сарфланган хар 1 сум учун тугри келадиган фойда микдорини курсатади. Монопол маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ташилотлардан ташқари барча хужалик юритувчи субъектларда ушбу курсаткичнинг 0,05 дан кичик булиши жамиятнинг паст самарадорлик билан ишлаётганини билдиради.

4. Жорий молиявий мустакиллик коэффиценти:

Уз маблаглари манбалари	10 790 703,0
-------------------------	--------------

$$K_{мм} = \frac{10\,790\,703,0}{219\,519\,544,0} = 0,05$$

Жорий мажбуриятлар	219 519 544,0
--------------------	---------------

Ушбу курсаткичнинг 1,00 коэффицентдан паст булиши жамиятнинг молиявий таваккалчилиги мавжудлигини билдиради. Ушбу ҳолатдан қуриниб турибдики, фавқулодда ҳолларда жамият уз маблаглари ҳисобидан жорий мажбуриятларини қоплай олади.

5. Асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти:

Асосий воситаларнинг эскириши	146 430,0
-------------------------------	-----------

$$K_{аз} = \frac{146\,430,0}{232\,281,0} = 0,63$$

Асосий воситаларнинг баланс қиймати	232 281,0
-------------------------------------	-----------

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу курсаткичнинг 0,5 дан юқори булиши жамиятнинг асосий воситалари нисбатан эскирган ҳисобланади.

6. Мустакиллик коэффиценти:

Уз малаглари манбалари	10 790 703,0
------------------------	--------------

$$K_{муст} = \frac{10\,790\,703,0}{248\,811\,847,0} = 0,04$$

Баланс якуни	248 811 847,0
--------------	---------------

Ушбу курсаткич жамиятнинг жами активлари ичида уз маблаглари улуши микдори қанчалигини курсатади. Юқоридаги курсаткичнинг 0,5 дан паст булиши жамиятнинг барча мажбуриятларни уз маблаглари ҳисобидан қоплай олмадлигини билдиради.

7. Тез ликвидлик коэффиценти:



Тез ликвидлик активлар* (247 927,0+0,00+247 551 909,0)

Тлк = ----- = 1,0

Жорий мажбуриятлар 247 834 296 ,0

Тлк* =(Пул маблаглари+киска муддатли инвестициялар+олинадиган хисоб варақлар)

Жамиятни жорий активлар айниқса пул маблаглари мавжудлигига кутилмаган талабларни кондиритиш қобилиятини баҳолайди.

8. Умумий активларни ишчи капиталга нисбати:

Ишчи капитал* 247 834 296,0-219 519 544,0

Ик = ----- = 0,1

Умумий активлар 248 811 847,0

Ик* = (жорий активлар-жорий мажбуриятлар= фарқи)

Умумий активларни нисбий ликвидлигини ва ликвидликни таъминловчи ресурсларни тақсимлашни белгилайди.

ЯКУНИЙ КИСМ:

Иш фаолияти давомида йул қуйилган хато камчиликларга, фойдаланилмаётган имкониятларга хулоса ва тавсиялар бериш.

Текширишда ЯИТга 1 255,2 минг сум, ижтимоий сугурта бадалига 376,5 минг сум, инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича 68,2 минг сум камайтиришга ҳисобланди. Фойда солиғи тулови бўйича 853,2 минг сум қушимча ҳисобланди..

Жамият бошқарувида қуйдагиларни тавсия этамиз:

- Ортиқча харажатларга йул қуймасликни;
- Асосий воситаларни қонунчиликда белгиланган муддатларда қайта баҳолашни таъминлашни;
- Дебитор ва кредитор ташкилотлар билан муддатини утказмасдан уз вақтида ҳисоб китобларни амалга оширишни;
- Солиқ кодексида белгиланган амортизация меёрлари бўйича эскириш ҳисоблашни;
- ДСИ га ҳисобланган солиқ ва мажбурий ажратмаларни тугри ҳисоблашни ва уз вақтида тулашни; .
- «Инвентаризация ташкил этиш ва утказиш» номли бухгалтерия ҳисобининг 19-миллий андозасига мувофиқ текширувга тортилган даврда моддий қийматликларни 1 йилда бир марта инвентаризациядан утказишни;

Аудиторлик ҳисоботи 2 (икки) нусхада тузилди ва 1 нусхаси текшириш жойида қолдирилди.

«MAGNIT-FINANS» аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:



Л.Мамажонов



Э.Бонсов